

# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАХАР  
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ  
ОБЛАСТ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-НИЛ ЧИҚИШИ  
№ 247 (1509)  
16  
ДЕКАБРЬ  
ЧОРШАНБА  
1959 ЙИЛ  
БАҲОСИ  
20 ТИНИН

Б У Г У Н Г И С О Н Д А:

Олий мукофотингиз муборак, ўр-  
тоқ механик-ҳайдовчилар! (1-бет).  
СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИ-  
ДИУМИНИНГ ФАРМОНИ: Ўзе-  
бекистон ССР колхоз ва совхозлари  
пахта териш машиналарининг ме-  
ханик-ҳайдовчиларини СССР ордени  
ва медаллари билан мукофотлаш тў-  
ғрисида (1-бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: Х. Абдуса-  
матов — Хужаликка партия раҳбар-  
лигини янада яхшилаш. З. Исро-  
илов — Раҳбарликни ишлаб чиқа-  
ришга яқинлаштириш (2-бет).  
Адабиёт саҳифаси: Х. Тўхтабо-  
ев — Тилхат (ҳажвий ҳикоя) (2-бет).  
КПСС МК Пленумини меҳнатда  
янги муваффақият билан кутиб

олайлик: А. Мейрбеков. — Мўл ҳо-  
сил учун замири ҳозирлашмиш С. Му-  
ҳитдинов, И. Рустамов — Қувончли  
яқунлар (3-бет).  
Э. Азимов, Р. Нурматов. — Тош-  
кент чинисини (4-бет).  
Уртўқмоқ: А. Исомитдинов — Ва-  
сиёт (4-бет).

## ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

Она-Ватанга 461 минг тонна-  
дан ортиқ «соқ олин» топши-  
риб, улкан ғалабаларни қўлга  
киритган областимизнинг азам-  
мат пахтакорлари сингари ил-  
гир районларининг чорвадорлари  
ҳам 1959 йилни ажойиб муваф-  
фақиятлар билан яқунлашмоқ-  
да. Улар аҳоли жон бошига  
гўшт, сут, ёғ еттиштиришда  
қилин. Ёшлар ичида Америка  
Ўшма Штатларига етиб олиш-  
дек шарафли ва муқаддас вазиф-  
ани тўла амалга ошириш йў-  
лида ҳармай-толмай меҳнат қи-  
либ, чорвачиликни тизимли рив-  
жонлантиришда ва унинг  
маҳсулдорлигини оширишда  
қилин. Фермаларда, кенг яйлов-  
ларда соғин ситиларини меҳр  
билан парварши қилиб, қўй ва  
эчкиларни бўрдоқ қили-  
б семиртириш олган моҳир  
чорвадорлар давлатга ўтган  
йилгига нисбатан 1,5 — 2 ба-  
равар ортиқ сут ва гўшт ма-  
сулотлари топширдилар.

Ер бетини қалин қор қоплаб,  
аччиқ изгиринли совуқ кунлар  
етиб келди. Эндиликда эришил-  
ган дастлабни муваффақиятлар  
ни мустақамлайдиган синов  
кунлари — чорва моллари  
қишловини ўтатиш масъулияти  
бўлган давр бошланди. «Озиқ-  
ли от ҳоримас» деганларидек,  
мана шу даврда етарли е-  
м-хашак базасига эга бўлган, чорва  
молларини талабга жавоб бе-  
рарли даражада иссиқ бинолар  
билан таъминлаш олган илгир  
ҳужаликлар жомат чорвачили-  
гини бундан бўён янада ривож-  
лантириш ва унинг маҳсулдор-  
лигини оширишга эришавера-  
дилар.

Сут-қатиқ мўл-қўл бўлсин,  
гўшт, ёғ янада сароб бўлсин,  
аҳолининг шу маҳсулотларга  
бўлган эҳтиёжларини тўла қон-  
дайлик! Ана шу олийжанг  
фидоийи ўз қалбларида чуқур  
ҳис этиётган илгир ҳужалик-  
ларнинг моҳир чорвадорлари  
ёзу кунининг ғанимат кунларига  
қатор зарур тадбирларни амал-  
га оширдилар, етарли миқдорда  
ем-хашак жамғардилар, тонна  
тонналар билан бостирдилар,  
чорва моллари биноларини қўй-  
илдагидек ремонт қилиб, ме-  
ханизациялаштирдилар. Мана шу-  
ларнинг ҳаммаси шу кеча-кунду-  
зда чорвадорларнинг ўз қў-  
лаган мақсадларига эришилди-  
лар, қиш кезларида ҳам сут ва  
гўшт маҳсулотларини еттиштири-  
ш кўпайтириш учун курашла-  
рида катта роль ўйнамакда.

Областимизнинг Калинин, Ор-  
жоникиде, Корасув ва Бобуят  
районлари чорвадорлари бу со-  
ҳада айниқса ибрат бўларли  
иш қилидилар. Ем-хашак тайёр-  
лаш бўйича берилган топшириқ-  
ни ортиқ билан бажардилар,  
чорва биноларини сифатли ре-  
монт қилиб, қишловининг наму-  
нали ўтказилишини таъминла-  
дилар.

Корасув районидagi «XXI  
партсъезд» совхозини дирекцияси  
ва бошланғич партия ташкило-  
ти сабабот маҳсулотлари еттиш-  
тириш кўпайтириш билан  
бирга чорвачиликни ривожлан-  
тириш ишига ҳам катта эътибор  
берди. Бу ҳужаликда қорамол-  
лар сонини кўпайтириш бўйича  
берилган топшириқ 115 процент  
бажарилди. 407 бош соғин си-  
гирдан шу кунгача пландаги  
2525 ўринга 2719 литрдан сут  
соғиб олинди. Совхоз чорва-  
дорлари қишловини талабга жа-  
воб берарли даражада ўтказиш  
мақсадида 4358 ўринга 4509  
тонна ем-хашак тайёрладилар.  
7 минг ўринга 7400 тонна си-  
лос бостирдилар. Улар шу и-  
монийларни ҳисобга олиб,  
КПСС Марказий Комитетининг  
декабрь Пленуми шарафига ҳар  
бош ситилдан соғиб олинган  
сут миқдорини 2800 литрданга  
еътаъамиз, деб айтмоқдалар.

Калинин районидagi Карл  
Маркс номи, Киров номи,  
Корасув районидagi Свердлов  
номи, Ленин номи, Оржон-  
икиде районидagi «Қизил Ўзе-  
бекистон» сингари колхоз чор-  
вадорлари ҳам ҳар бир си-  
гирдан соғиб олинган сут  
миқдорини янада кўпайтириш,  
аҳолига қўйлаб гўшт маҳсуло-  
тлари етказиб бериш мақсадида

чорва қишловини намунали ўт-  
казиш учун барча зарур тад-  
бирларни амалга оширмоқда-  
лар. Бобуят районидagi 1-«Боб-  
уят» совхозига ҳар бир си-  
гирдан 3050 литрдан сут соғиб  
олинди. Совхоз чорвадорлари  
Ўзбекистон КП Марказий  
Комитети ва республика Ми-  
нистрлар Советининг кўма-  
қи билан байроғини олишга эришди-  
лар.

Ана шу илгир ҳужаликларда  
маҳаллий партия, совет ташки-  
лотлари, кишлоқ ҳужалиқи ор-  
ганлари чорва қишловини наму-  
нали ўтказишга амалий раҳбар-  
лик қилмоқдалар. Кишлоқлар  
ҳар тарафлама қўлай иш ша-  
роити яратиб бериш, уларни  
ҳалол меҳнатга рағбатланти-  
риш, илгирлар тажрибасини  
кенг оммалаштириш каби энг  
муҳим соҳаларга эътиборини  
кўчайтирмоқдалар.

Ҳали областимизнинг бир қатор  
районларида чорва қишло-  
вини намунали ўтказишга етар-  
ли эътибор бермай келаётган,  
бу муҳим кампанияга яхши тай-  
ёрларлик кўрмаган ҳужаликлар  
ҳам йўқ эмас. Ана шу ҳужа-  
ликларда планда белгилангани-  
ча ем-хашак жамғарилгани йўқ.  
Чорва биноларини ремонт қи-  
лиш ҳалигача тугалланган эмас.  
Гулистон районига 48 процент  
бажарилган. Жамғарилган хаш-  
акларнинг бир қисми шу кун-  
га қадар чорва қишлайдиган  
бинолар яқинига ташиб келти-  
рилмаган. Бир қанча бинолар  
эса ремонт қилинмасдан нуроб  
ётибди.

Ўрта Чирчиқ районига чор-  
вачиликни ривожлантириш ва  
унинг маҳсулдорлигини оши-  
риш ишига ўтатилган даражада  
эътиборсизлик билан қараб  
қилинмоқда. Бир қатор ҳужа-  
ликларда ҳар бир ситилдан  
соғиб олинган сут миқдорининг  
ўтган йилгига нисбатан сези-  
лган даражада камайиб кет-  
ганлиги бундан кўрсатмайдими.

Районнинг Максим Горь-  
кий номи колхозига 1958 йил-  
да қарағайда шу вақтгача 18  
процент кам сут соғиб олинди.  
Бу ҳужаликда ем-хашак етарли  
бўлмаганлиги устига молхона-  
лар ҳам ҳалигача ремонт қи-  
линмаган. Районнинг Оржон-  
икиде номи колхозига эса  
1952 йилда қурила бошланган  
молхона ҳалигача фойдаланиш-  
га топширилмаган.

Район партия ва совет таш-  
килотлари, кишлоқ ҳужалиқи  
органлари, колхозларнинг прав-  
лелари ва совхозларнинг  
дирекциялари шу кеча-кунду-  
зи энг муҳим вазифаси бўл-  
ган чорва қишловини намунали  
ўтказишга бутун эътиборини  
жалб этишлари лозим. Иссиқ  
чорва бинолари қуриш, эскила-  
рини сифатли ремонт қилиш,  
чорва моллари қишлайдиган  
жойларга ем-хашакларни ўз  
вақтида ташиб келтириш, мол-  
ларни қишдан сезим ва соғлом  
чиқаришнинг гарови эканлигини  
чуқур ҳис қилиш керак.

Матълумки, Келес массиви об-  
ластимизнинг энг катта яйлов-  
ларидан ҳисобланади. Бу эрда  
чорва қишловини намунали ўт-  
казиш маҳаллий партия ва со-  
вет ташкилотларининг доимо  
диққат марказида туриши ло-  
зим.

Чорва қишловини ҳар тараф-  
лама намунали ўтказайлик!

## ОЛИЙ МУКОФОТИНГИЗ МУБОРАК, ЎРТОҚ МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИЛАР!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ  
Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозлари пахта териш  
машиналарининг механик-ҳайдовчиларини СССР ордени  
ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида

1959 йилда машина билан пахта  
теришда эришган муваффақиятлари  
учун қуйидагилар мукофотлансин:

### ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Ражаб АБИЛОВ** — Наманган  
област, Чуст районидagi Навоий  
номи колхозининг механик-ҳайдов-  
чиси.

2. **Турсуной ОХУНОВА** — Тош-  
кент област, Чиноз районидagi Ки-  
ров номи колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

3. **Насиб БЕКИРОВ** — Тошкент  
област, Бобуят районидagi 4-«Боб-  
уят» совхозининг механик-ҳайдов-  
чиси, трактор-далачилик бригадаси-  
нинг бошлиғи.

4. **Мамноб ЖАЛОЛОВ** — Андижон  
област, Ленин районидagi Карл  
Маркс номи колхозининг механик-  
ҳайдовчиси, трактор-далачилик бри-  
гадасининг бошлиғи.

17. **Валентин Афанасьевич ТЮП-  
КО** — Тошкент област, Янгийўл  
районидagi Урта Осиё машина —  
тажриба станцияси трактор-далачи-  
лик бригадасининг бошлиғи.

18. **Мелиқўзи УМУРЗОҚОВ** — На-  
манган област, Поп районидagi  
Ленин номи колхозининг механик-  
ҳайдовчиси, трактор-далачилик бри-  
гадасининг бошлиғи.

19. **Мурод ҚОЛБОВ** — Самар-  
қанд област, Оқдарё районидagi  
Энгельс номи колхозининг механик-  
ҳайдовчиси, трактор-далачилик бри-  
гадасининг бошлиғи.

20. **Бешик ШОНҚУЛОВ** — Бу-  
хоро област, Бобуят районидagi  
«Ўзбекистон» колхозининг механик-  
ҳайдовчиси, трактор-далачилик бри-  
гадасининг бошлиғи.

### МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Тоғай АБСАМОВ** — Сурхон-  
дарё област, Шўрчи районидagi  
Калинин номи колхозининг механик-  
ҳайдовчиси, трактор-далачилик бри-  
гадасининг бошлиғи.

2. **Алғач АЗБЕРГЕНОВ** — Тош-  
кент област, Гулистон районидagi  
Карл Маркс номи колхозининг ме-  
ханик-ҳайдовчиси.

3. **Ниёз ОҚИЛОВ** — Самарқанд  
област, Жиззах районидagi Ленин  
номи колхозининг механик-ҳайдов-  
чиси.

4. **Ҳафиз АҲМЕДОВ** — Фарғона  
област, Горск районидagi «Октябрь  
40 йиллиги» совхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

5. **Болта ОРТИҚОВ** — Сурхондарё  
област, Денов районидagi «Ҳазор-  
б» совхозининг механик-ҳайдов-  
чиси.

6. **Орип БОТИРОВ** — Фарғона об-  
ласт, Тошқоқ районидagi Свердлов  
номи колхозининг механик-ҳайдов-  
чиси.

7. **Раҳим БУСТОНОВ** — Хоразм  
област, Янгиерк районидagi Наримов  
номи колхозининг механик-ҳайдов-  
чиси, трактор-далачилик бригадаси-  
нинг бошлиғи.

8. **Василий Никифорович БИ-  
БАРОВ** — Тошкент област, Чиноз  
районидagi «Октябрь 40 йиллиги»  
колхозининг механик-ҳайдовчиси.

9. **Ғайбулло БУРИЕВ** — Бухоро  
област, Гижидон районидagi «Гу-  
листон» колхозининг механик-ҳайдов-  
чиси.

10. **Тўлқинбой ЖАЛИЛОВ** — На-  
манган област, Учқўрғон районидagi  
Охунбобоев номи колхозининг ме-  
ханик-ҳайдовчиси, трактор-далачи-  
лик бригадасининг бошлиғи.

11. **Икром ЖУМАЕВ** — Бухоро  
област, Қорақўл районидagi «Ок-  
тябрь» колхозининг механик-ҳайдов-  
чиси.

12. **Йўлдош ДУШАМОВ** — Хо-  
разм област, Шовот районидagi  
«Москва» колхозининг механик-ҳай-  
довчиси, трактор-далачилик брига-  
дасининг бошлиғи.

13. **Аҳад ЖУМАНОВ** — Андижон  
област, Олтинқўл районидagi Ленин

номи колхозининг механик-ҳайдов-  
чиси.

14. **Забобо ЗИЕВ** — Қашқадарё  
област, Шахрисабз районидagi  
Карл Маркс номи колхозининг ме-  
ханик-ҳайдовчиси.

15. **Азиз ЗИЕДУЛЛАЕВ** — Тош-  
кент област, Бобуят районидagi  
1-«Бобуят» совхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

16. **Жўра ИДИЕВ** — Бухоро об-  
ласт, Ромитон районидagi Жданов  
совхозининг механик-ҳайдов-  
чиси.

17. **Йўлдош ИСМОИЛОВ** — Анди-  
жон област, Ленин районидagi  
Сталин номи колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

18. **Наим ИНОМОВ** — Самарқанд  
област, Жиззах районидagi Жданов  
номи колхозининг механик-ҳайдов-  
чиси.

19. **Исроил МАМАЖОНОВ** — Ан-  
дижон област, Хўжабод районидagi  
«Ўзбекистон» колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

20. **Муқим МИРЗАЕВ** — Самар-  
қанд област, Жиззах районидagi  
Хрущев номи колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

21. **Турсун РАҲМАТУЛЛАЕВ** — На-  
манган област, Янгийўл районидagi  
«Москва» колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

22. **Эргаш РАЙМУЛОВ** — Тош-  
кент област, Чиноз районидagi  
Сталин номи колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

23. **Ғаппор САТТОРОВ** — Нама-  
нган област, Наманган районидagi  
«Ленинград» колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

24. **Йўлдош СЕЙТЕНОВ** — Қора-  
қалпоғистон АССР, Бириний райони-  
дagi Сталин номи колхозининг ме-  
ханик-ҳайдовчиси.

25. **Ҳамид СИРОЖИДИНОВ** — Фар-  
ғона област, Бағдод районидagi  
Сталин номи колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

26. **Жамолдин ТУЙЧИЕВ** — Ан-  
дижон област, Избоскан районидagi  
Энгельс номи колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

27. **Амир ТУРДИНОВ** — Са-  
марқанд област, Пахтакор райони-  
дagi Калинин номи колхозининг ме-  
ханик-ҳайдовчиси.

28. **Аҳмад УРОҚБОВ** — Тошкент  
област, Бобуят районидagi 1-«Боб-  
уят» совхозининг механик-ҳайдов-  
чиси.

29. **Садриддин ХАЙИТМИРЗАЕВ** — На-  
манган област, Учқўрғон районидagi  
«Коммунизм» колхозининг механик-  
ҳайдовчиси, трактор-далачилик бри-  
гадасининг бошлиғи.

30. **Шарип ХУДОЙБЕРДИЕВ** — Са-  
марқанд област, Хатирчи райони-  
дagi «Москва» колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

31. **Борис Петрович ШЕРЕМЕТ** — Тош-  
кент област, Янгийўл райони-  
дagi Киров номи колхозининг ме-  
ханик-ҳайдовчиси.

32. **Маҳмуд ЭРНАЕВ** — Қашқа-  
дарё област, Қарши районидagi

«Коммунизм» колхозининг механик-  
ҳайдовчиси, трактор-далачилик бри-  
гадасининг бошлиғи.

33. **Одил ЙУЛДОШЕВ** — Қора-  
қалпоғистон АССР, Амударё райони-  
дagi Крупская номи колхозининг  
механик-ҳайдовчиси.

34. **Эргаш ЙУЛДОШЕВ** — Анди-  
жон област, Андижон районидagi  
Киров номи колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

35. **Нурали ЙУЛДОШЕВ** — На-  
манган област, Поп районидagi  
«Привада» колхозининг механик-ҳай-  
довчиси.

### «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Мамаранал БОЛТАЕВ** — Фар-  
ғона област, Фарғона районидagi  
XXI партсъезд номи колхозининг  
механик-ҳайдовчиси.

2. **Исожон ДАВЛАТОВ** — Нама-  
нган област, Наманган районидagi  
Сталин номи колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

3. **Мамадали ДАЛИМОВ** — Фар-  
ғона област, Ленинград районидagi  
Энгельс номи колхозининг ме-  
ханик-ҳайдовчиси.

4. **Федор ДЮ** — Самарқанд об-  
ласт, Пахтакор районидagi Карл  
Маркс номи колхозининг механик-  
ҳайдовчиси, трактор-далачилик бри-  
гадасининг бошлиғи.

5. **Рустам ЗУХУРОВ** — Самарқанд  
област, Жиззах районидagi «Мос-  
ква» колхозининг механик-ҳайдов-  
чиси.

6. **Дидахон ИСМОИЛОВ** — Нама-  
нган област, Учқўрғон районидagi  
Сталин номи колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

7. **Тўхта ИСМОИЛОВ** — Андижон  
област, Марҳамат районидagi Ста-  
лин номи колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

8. **Шодмон ЗШОНҚУЛОВ** — Са-  
марқанд област, Жиззах районидagi  
Ленин номи колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

9. **Мамасали ҚОРАБОВ** — Анди-  
жон област, Сталин районидagi  
«Коммунизм» колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

10. **Хони КАРАМОВ** — Бухоро  
област, Гижидон районидagi Кали-  
нин номи колхозининг механик-ҳай-  
довчиси.

11. **Исмомил НАРИМОВ** — Хоразм  
област, Ҳазорасп районидagi Оржон-  
икиде номи колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

12. **Зокир НАРИМОВ** — Тошкент  
област, Гулистон районидagi Карл  
Маркс номи колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

13. **Мели НАРИМОВ** — Қашқадарё  
област, Чироқчи районидagi Воро-  
шилов номи колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

14. **Владимир КИМ** — Тошкент  
област, Ўрта Чирчиқ районидagi  
«Северный маяк» колхозининг ме-  
ханик-ҳайдовчиси.

15. **Мира КИМ** — Тошкент об-  
ласт, Ўрта Чирчиқ районидagi

Киров номи совхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

16. **Абдурахим ҚИРСАДАҚОВ** —  
Тошкент област, Янгийўл райони-  
дagi Карл Маркс номи колхозининг  
механик-ҳайдовчиси.

17. **Мария Александровна КОВА-  
ЛЕВА** — Тошкент област, Бўка  
районидagi Тимирязев номи колхоз-  
ининг механик-ҳайдовчиси.

18. **Эгамберди ҚУРБОНБОВ** —  
Қорақалпоғистон АССР, Тўртқўл райо-  
нидagi Наримов номи колхозининг  
механик-ҳайдовчиси, трактор-  
далачилик бригадасининг бошлиғи.

19. **Мурдон МАВЛОНОВ** — Қаш-  
қадарё област, Чироқчи районидagi  
«Коммуна» колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

20. **Лаола МАНСАТОВ** — Сурхон-  
дарё област, Жарқўрғон районидagi  
«Социализм» колхозининг ме-  
ханик-ҳайдовчиси.

21. **Амирул МАНГЛИЕВ** — Бу-  
хоро област, Свердлов районидagi  
«Ленинград» колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

22. **Андрей Романович МИН** — Тош-  
кент област, Бўка районидagi  
Жамбул номи колхозининг механик-  
ҳайдовчиси.

23. **Номилжон МИРЗАМатов** — Ан-  
дижон област, Холдовобек райони-  
дagi Охунбобоев номи колхозининг  
механик-ҳайдовчиси.

24. **Зуфар МУЙДИНОВ** — Фар-  
ғона област, Горск районидagi XX  
партсъезд номи совхозининг ме-  
ханик-ҳайдовчиси.

25. **Раҳмат МУҲИДИНОВ** —  
Қашқадарё област, Китоб райони-  
дagi «Қизил юлдуз» колхозининг ме-  
ханик-ҳайдовчиси.

26. **Муталиб НУЪМОНОВ** — Ан-  
дижон област, Пахтабод райони-  
дagi Карл Маркс номи колхозининг  
механик-ҳайдовчиси.

27. **Ортиқ НУРМАТОВ** — Нама-  
нган област, Задарё районидagi «Ги-  
гант» колхозининг механик-ҳайдов-  
чиси.

28. **Эрмат НУРМАТОВ** — Тош-  
кент област, Бобуят районидagi  
Карл Маркс номи колхозининг ме-  
ханик-ҳайдовчиси.

29. **Отайб НУРУЛЛАЕВ** — Хо-  
разм област, Ғўшқўпир районидagi  
«Ленинград» колхозининг механик-  
ҳайдовчиси, трактор-далачилик бри-  
гадасининг бошлиғи.

30. **Йўлдош НУРУЛЛАЕВ** — Хо-  
разм област, Қўшқўпир районидagi  
«Ленинград» колхозининг механик-  
ҳайдовчиси, трактор-далачилик бри-  
гадасининг бошлиғи.







Тошкентда қиш. Қални ётган биринчи қор болаларни хурсанд этди.

В. Салов фототўди.

## Ижтимоий-фалсафий тўпلام

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси филология ва ҳуқуқ институти илмий ходимлари томонидан нашрга тайёрланган «Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикр тарихига доир материаллар» деган тўпلام яқинда босилиб чиқди. Бу китоб Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, филология фанлари доктори И. М. Мўминов раҳбарлигида тўпланган бўлиб, уни тўзишда филология фанлари кандидати М. М. Ҳайруллаев, У. Б. Бозоров, тарих фанлари кандидати А. Қ. Валиев ва илмий ходим С. А. Султоновлар қатнашганлар. Тўпلامдаги араб, форс-тожик тилларидан таржима қилинган материаллар филология фанлари кандидати Г. Бахромий, филология фанлари кандидати С. Мирзаев, А. Расулов, А. Жуванмердиев, Ш. Шоматмудов, аспирант А. Ирисовлар томонидан тайёрланган. Тўпламга буюк олимлар, ёзувчи ва мутафаккирларнинг ижтимоий-фалсафий фикрларини баён қилувчи материаллар ҳам киритилган. Фаробий, Умар Ҳайём, Бедил ижодида, ибн Синонинг илмий фаолиятига оид айрим материаллар ўзбек тилида биринчи марта нашр этилди.

А. АЛИМОВА.

## Телевизор Экранда

16 ДЕКАБРДА  
19.30. Рус тилида «Етти йилликнинг илгор ёшлари» деган шиттириш.  
20.00. Сўнгги ахборот.  
20.20. Бадий фильм — «Нўш ҳаммага нур сочди».  
22.10. Реклама ва эълонлар.

17 ДЕКАБРДА  
19.30. Мантаб ўқувчилари учун ўзбек тилида шиттириш. «Қизил галстун» телевизион журнали.  
20.00. Ҳамза номли театрда «Юлий Цезарь» спектакли олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида сўнгги ахборот.

## ТОШКЕНТ

Сиз ҳар кун нафис гуллар билан безатилган бежарм пиезлада чой ичасиз, ҳар хил қосаларда турли таомлар истеъмол қиласиз, меҳр қўйиб ишланган ажойиб лаганларда палов ейсиз. Қўйинчи, оддий тузандан тортиб, кўркам санъат билан ишланган вазалардан фойдаланасиз. Лекин сиз бу чинни буюмлар қандай яратилишини биласизми?

Тошкент чинни заводининг ҳамаше тайёрлаш цехи. Машиналар ҳаракати бир зум ҳам тинмайди. Баҳайбат дробикаларда майдаланган қовил, дала шпати каби ҳамаше аралашмаси тегирмон тошлари орасида кукунга айлантирилиб, махсус турларда орқали башланганда тўпланмоқда. Башланганда тўпланган ҳамаше аралашмаси шар тегирмонла-

рида саккиз соат давомида янада майдаланган қовил айлантирилиб, сув билан қоритирилади. Суюқ ҳолга келтирилган қоринша махсус ҳовузаларга қуйилади. Қаршимиздаги гидравлик пресс насосида заводнинг илгор ишчиларидан Мақсуд Юнусов зўр маҳорат билан лойни пишитмоқда. Бу азамат йигит заводда кўп йиллар давомида қилган ўзининг фидокорона меҳнати учун коллективнинг зўр ҳурмати билан қозongan. Ана шу ерда пишитилган зуваласимон лой турли қолиплаш цехига юборилади.

Станоклар олдига уйиб қўйилган лой қолиплаш машинаси ёрдами билан қоса, пиезла, чойнак ва бошқа чинни идишлар шакалга келтирилади. Тайёрланган махсулот юқори температурада пишитиш учун гор-

новой цехига жўнатилади. Цехнинг илгор ишчиларидан Ҳикмат Назиров, Омон Обидов ва Собир Тўхтасевларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бу ерда пишитилган чиннилар албатта бир марта коммунист Махсуд Мажидаев томонидан сирлианиб яна бир бор пиезда пишитилади. Пишиб чиққан чиннилар гуз солиш цехининг сортровка бўлимига ўтказилади ва улар сортларга ажратилади. Бу бўлимда меҳнат қилаётган ишчиларнинг қўчилиги ёшлардан иборат.

Цехда чинни идишларга бўёқ бераётган асбоб эътиборини ўзига жалб қилди. Цех бошлиғи Ёлгор Солипов бизга ана шу асбоб ҳақида маъруза қилди.

— Чинни идишларга мураккаб нақшларни тушираётган бу асбобия заводимизнинг бош расмони Раҳмат Орифжонов бундан бир неча йил илгари яратган. Шунгача барча чинни буюмларга ҳар қанада нақш ҳам қўлада ишланар эди. Бу жуда кўп вақт талаб қиларди. Илгари ҳар бир ишчи сменада қўла билан 8-9 қосага гуз солар эди. Трафарет ясалгандан сўнг меҳнат унумдорлиги ўн баравар ошди. Махсулот сифати ахшиланди.

Ҳақиқатан ҳам Раҳмат Орифжоновнинг бу таклифи заводда жуда мураккаб иш бўлган гуз чизиб жараёнини кескин тезлаштириш имконини берди. Бу таклифни амалга ошириш натижасида завод ҳар йили 132 миң 600 сўм фойда олмақда.

Раҳмат Орифжонов кундалик ҳаёт билан ҳамнафас, у доим ижодий изланишда. Раҳматжон томонидан яратилган миллий ифтихоримиз — паҳтанинг орнаменти ҳозир барча чинни буюмларда ишланмоқда. Бу, унинг заводда биринчи ижодий иши эди.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР  
КОЛХОЗДА ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ

Сирдарё районидagi «Коммунизм» колхозининг 2-участкида ўртача қувватга эга бўлган электромотор ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди. Кеч кириши билан электр қуввати колхозчи хонадонлари томон оқабошлади. Ҳозир 160 га яқин колхозчи оиласи Илчи нурларидан баҳраманд бўлмоқда.

Т. Дўсмаев,  
Ш. Жўрабев.

## ЯНГИ УЙ-ЖОЙ БИНОЛАРИ

Тошкентнинг Шота Руставели кўчасида (трамвайнинг Театралъная ва Соҳгородок тўхташ жойлари орасида) 4 қаватли янги уй-жой биноси қуриб битказилди. Бу ҳашаматли бионинг фойдали турар-жой майдони ҳажми 1200 квадрат метр-дир. Шунингдек, Глинка кўчасида ҳам 20 квартиралик бино фойдаланишга топширилди.

М. Мақсумов.

## АҲОЛИ ТАЛАБИ БИЛАН

Пискентнинг 1-Май кўчаси район марказидан анча узоқда. Шу сабабли, бу кўчада турувчи аҳоли ақинроқ жойда магазин очиб беришни талаб қилган эди. Район ижроия комитети бу талабни қондириб, 1-Май кўчасида янги озиқ-овқат магазини очиб берди. Магазин харидорларга яхши хизмат кўрсатмоқда.

А. Ғоziхонов.

Тошкентдаги 76-ўрта мактабнинг тикувчилик устaxonасига кирсангиз ўзингизни ҳудди кичикроқ бир корхонада бўлгандек ҳис қиласиз. Тикув машинаси ёнида ўтирган қизлар чеварларга хос диққат ва билимдонлик билан иш тикадилар. Тикувчилик тўғрисидаги ишлаётганга 2 йил бўлди. Қўпгина қизлар фан асосларини чуқур эгаллаш билан бирга хунарли ҳам бўлдилар. Улар ҳозир аёллар ва оркаклар қўйлаклари ҳамда бошқа кийимларни қийнамай тикишда. Ҳозир 30 га яқин ўқувчи тикувчилик машгулотларига актив қатнашаётган. Ўрта мактабнинг битиргач улар хоҳласалар тикувчилик корхоналарида қийналмасдан ишлаб кетишлари мумкин. Суратда: (чапдан) бўлажак чеварлар Х. Орифжонов, ва М. Алимжоннаева мактабнинг тикувчилик устaxonасида.

Р. Альбеков фотоси.

## ЧИННИСИ

Шундан буён у 200 га яқин турли хил трафарет ясаб, чинни буюмларнинг ранг-баранг ва оқмабоб бўлишига эришди. Яқинда Орифжонов



Суратда: гуз солиш цехининг илгор ишчиси Екатерина Игнатъева. У смена топширишларини 200 процентга етказиб бажарётган.

Э. Азимов фотолари.

З. АЗИМОВ,  
Р. НУРМАТОВ.

## ВАСИЯТ

«Биз асрлар давомида оёсийишта яшаб келаётган қарағай дарахлари ҳаёт билан вилдолашишдан аввал томиримизга кимлар болта урганини, ёстигимизни кимлар қуритаётганини жамоатчиликка маълум қилиб қўймоқчимиз. Биз касаллик, эгирлик нималигини билмай соғлом ўсдик. Ёз кунлари соя-салқинимизда шўх болалар ўйнар, қариялар аса скамейкада ўтириб ҳордиқ чиқаришарди. Кўм-кўк шохимизда бўлбулар сайрар, яшил баргимиз аса хурсанд бўлиб чапак чалар эди. Шундай роҳат ва фароғатда яшаётганимизда ўз манфаатини ўйловчи шахсиятларастлар ҳаётимизга тўсатдан суиқасд қилиб қолди.



—

Бу воқеа шу йилнинг 25 августидан рўй берди. Кун гира-шира пайта болта билан қуролланган кишилар ёнимизга келишди. Махорка чекишди. Улардан кейин қороз ушлаган яна бир киши етиб келди.

— Ўртоқ Тошхўжаев, — деди болта ушлаб турганлардан бири кейин келган кишига, — бизга сўз тегиб қолмасмикин?

— Свердлов кўчасидаги 26-уйда шу вақтга қадар яшаб, сизларда қангир кўроғини учратмаганман, — деди Тошхўжаев. — Қўлимда Куйбисhev район ижроия комитетининг рухсати турибди-ку!

— Ақтда қарағайлар чириган дейилган, ҳақиқатда аса улар бақувват экан.

— Ҳақини олгач, бугунги суритириманларда.

Шундай сирли гаплардан кейин оёғимизга болта туша бошлади. Мана болта тиги беимизга етди, биринки дақиқадан сўнг йиқиламиз. Лекин ўлим олдидан бўлса ҳам ҳақиқатини очиб қўймоқчимиз. Тошхўжаев бизни касал деб эълон қилди. Тўхта! Тўрт мучалимиз соппа соғ. Тошхўжаев қонунсиз қураётган омборига ҳалақит берганимиз учун ёмон отлиқ бўлди. Хайр Тошхўжаевку шу сабабли биздан ўч олапти, дедик биз шўринг қурғурлар Куйбисhev район ижроия комитетидидаги ақамларга нима ёмонлик қилди экан. Мана бирин-кетин ерга ағналимиз. Нафас қисапти. Ҳурматли сафдошларим: қарағай, иман, жука ва арғовон дарахтлари, хушбўйинг! Набат сизларга ҳам етиб қолди, алвидо!..

Қарағайлар тилидан:

А. ИСОМИДИНОВ.

## Эпиграммалар

БЕДАНАБОЗ

Беданасин мақтаб улфатлар аро,  
Ховлиқиб оғзидан тупук сочди.  
Меҳнат қилгин. деса биров мабодо.  
Беданадай бўйини қисиб-қочади.

ТАЛОН-ТОРОЖЧИ

У кўринишда серкулги, чаққон,  
Хушмуомала бўлиши мумкин.  
Зоҳирда одам-у, ичи бир ўққон,  
Ямламай ютади халқ — давлат мўлкини.

МАДАНИЯТ ҲАҚИДА

Бўйинда галстук, бошда пилана,  
«Маданият» деб хисоблар ўзини.  
Қолдирди тоғ-тоза қовилган полда,  
Ўзидан зўр белги — галлошин изини.

БАЪЗИ ТАҚРИЗЛАР ҲАҚИДА

«Бу этикка меҳнат сарфлангани оз,  
Териси сифатсиз, таг чарми қороз,  
Лекин кийиш учун ярайди шахсиз».  
Шу усулда бўлар баъзибир тақриз.  
Мухтор ХУДОҚУЛОВ.

## Жонга тегди кутишлар

Олой бозори билан Юнусободдаги Сталин номли колхознинг оралиғи 8 километр — пиедага икки соатлик йўл. Колхоздан ҳар кун шаҳар томонга ўлаб хизматчилар, студентлар, деҳқонлар тушиб туради.

Аваллари бу томонга икки автобус мунтазам қатнаб турарди. Пўловчиларни тўлиқ таший олмасам ҳам, ҳар қалай қатнаб турарди. Уша даврлар хўп ажойиб даврлар бўлган экан. Эндичи? Энди кунимиз битта автобусга қолиб ўтирибди. Кўп вақт бир-бир ярим соатлаб автобус кутамиз. Бизни интизор қилган автобус хоҳласа келади, хоҳламаса бошқа маршрут бўйлаб «пул чиққан» томонга қараб жўнаб қолади.

Келган вақтида ҳам одам қўпниги туфайли автобусга чиқишининг иложи бўлмайди. Кутаётганларнинг лозқал ярми ҳам машинага чиқа олмайдилар. Машина ичиди эса берадиган хангомаларни аса таърифлаб адо қилиб бўлмайди.

Яқинда бир неча колхозчи, студент ва хизматчилар йиғилиб биринчи автобаза директориға мурожаат қилмоқчи бўлиди.

— Ахвол чатоқми? — жиддий туриб сўради у.

— Пиеда қатнашга мажбур бўлаётимиз, — дедик биз.

— Икки-уч кун ичиди, — деди директор бизни қаттиқ ишонтириб, — иккита эмас, учта автобус ажратилади. Хурсанд бўлиб қола-сизлар.

Директорнинг одамшавандилигидан хурсанд бўлиб уйимизга қайтдик. Лекин афуски орадан икки-уч ой ҳам ўтиб кетдики, ахвол ҳамон ўзгарган эмас.

Ахир, тоқайгача етти-саккиз километрик масофани пиеда ўтишга мажбур бўламиз.

З. НАЖМИДИНОВ,  
О. УБАЙДУЛЛАЕВ,  
С. ХУСАНОВ.

хизматчилар.



— Лекция Жалолхўжани ухлатиб қўйибдими?

— Сўзлашиб ўтирсак биз ҳам ухлаб қоладиганга ўхшаймиз...

— Бу нимаси, бочкачагининг тағига чуқурлашган сари помидорнинг айнигани кўпайиб бораляпти?

— Э аттанг, нариги томонидан очмабасизда, унда чуқурлашган сари яхшиен кўпайиб боради...

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган.

Редактор: З. ЕСЕНБОВЕВ.

## Тошкентнинг ТАМОША ЗАЛЛАРИДА

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:  
ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/ХII да Гамлет, 17/ХII да Юлий Цезарь.  
НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/ХII да Жазель, 17/ХII да Майсаранинг иши.  
МУҲИМНИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/ХII да Равшан ва Зулхумор, 17/ХII да Ошиқ Гариб.  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Айқлар цирки» аттракциони. Айқларни ўргатувчи — РСФСР халқ артисти Валентин Филатов. Тамосша кеч соат 8 да бошланади. Яншабна кунни тўрт марта тамосша кўрсатилади (эрта-лаб соат 10 ярим, кундуз 1, 4 ва кеч 8 да).

«ВАТАН» — кундуз ва кечку-

рун янги рангдан кенг экранли бадий фильм Одам-ришша.  
«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» — янги бадий фильм Арафа. НАВОИЙ номли — кундуз ва кечкурун Биз — халқимиз.  
«ИСКРА» — кундуз ва кечкурун янги бадий фильм Юқори табақага кириш йўли.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечкурун Колцов ҳақида қўшиқ.  
КОММУНА уйи — кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да Сизга ёзаман... кундуз 2, кеч 6 ва 10 да Сукунат оламиди.

КИНОЛЕКТОРИЙ — кундуз соат 12, 1-40 минут, 3, 4-40 минут ва кеч 9 да Сукунат оламиди.

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА  
1960 йил учун

## обуна қилиш давом этмоқда

ГАЗЕТАЛАР:

«Қизил Ўзбекистон»,  
«Правда Востока»,  
«Ўзбекистон суръ»,  
«Ленин байроғи»,  
«Ўзбекистон маданияти».

«Еш ленинчи»,  
«Комсомолец Ўзбекистана»,  
«Ленин учқунини»,  
«Тошкент халқини»,  
«Ташкентская правда».

ЖУРНАЛЛАР:

«Ўзбекистон коммунисти»,  
«Партия турмуши»,  
«Агитатор бюллетени»,  
«Бюллетень агитатора»,  
«Ўзбекистон»,  
«Ўзбекистон хотин-қизлари»,  
«Муштум».

«Маҳаллий мабуот ходимлари-га ёрдам (рус ва ўзбек тилларида)»,  
«Гуляш»,  
«Гуляш»,  
«Шарк юлдузи»,  
«Звезда Востока»,  
«Фан ҳақида суҳбатлар».

«Синий ва илмий билимлар тарқатувчи Бутуниттифок ва Ўзбекистон наияматларининг лекциялари», турли темадаги рангли фото-плакатлар серияси.

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, алоқа бўлимлари на контора-ларида, шунингдек корхона, завод, фабрика, ўнв юрлари, мада-ний-оқартув ва бошқа муассасалардаги жамоатчи обуна вакиллари на почта-ошлар томонидан қабул қилинади.

Бирлашган нашрият.  
«Союзпечать» Республика бўлими.